

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
Б А Ё Н И**

2017 йил 20 февраль
соат 16:00

АС-1

Тошкент шаҳри Абай
кўчаси, 4а-уй

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:
24 445 500 дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:
24 445 500 дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи
акцияларнинг умумий сони: 17 921 895 дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг номидан
қатнашаётган вакиллар сони 8 киши.

Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар
сони - 4 киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони - 4 киши.

КВОРУМ – 73,31%

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари Миралиев Алишер Эргашевич,
Олимжонов Одил Олимович, Маликов Фаттох Халилович, Абдухамидов
Акрамжон Абдувахабович, Қажумов Асадулла Ўралович, Махмудов Фозил
Ходжаназарович, банк Бошқаруви Раиси Ч.С.Мирзаев ҳамда банк
Бошқаруви аъзолари, Департамент директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига **банк
Кенгаши аъзоси** Миралиев Алишер Эргашевич раислик қилди.

Йиғилиш котибияти: Д.А.Рустамов, У.Ф.Атамухамедова.

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси - «Туронбанк» АТБ
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи Эргашев Олим Рахматович, комиссия аъзолари -
Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар департаментининг Қимматли қоғозлар
бўлими бошлиғи Ботиров Жамшид Ботирович, Ахборот технологиялари
Департаменти директори Набиев Умид Ўткировичлар йиғилишда
қатнашаётган акциядорларнинг овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми
мавжудлигини аниқлаш бўйича иш олиб бордилар.

Йиғилиш раиси акциядорлардан банк Кенгаши томонидан тузилган
саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаб беришларини
сўради.

Йиғилишда саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркиби бир
овоздан тасдиқланди.

Умумий йиғилишга Раислик қилувчи Миралиев Алишер Эргашевич Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2017 йил 20 февраль куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2017 йил 11 февраль куни «Biznes Daily» газетасининг 17 (2188) - сонида эълон қилинганлигини, қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар қилинганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари иштироки ҳамда йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш учун сўз **Саноқ комиссияси раиси О.Р.Эргашевга** берилди.

О.Р.Эргашев Саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди ва «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди (Саноқ комиссияси мажлисининг 2-сонли баённомаси илова қилинади, 1-илова).

Йиғилиш иштирокчилари Саноқ комиссиясининг 2-сонли баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бир овоздан очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Миралиев Алишер Эргашевич, Олимжонов Одил Олимович ва банк Бошқаруви Раиси Мирзаев Чори Садибакович ҳамда йиғилиш котибиятига Рустамов Дилшод Абдухаписович ва Атамухамедова Умида Файзуллаевналар сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банк уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

4. Банкнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини жойлаштириш доирасида имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида.

5. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Раислик қилувчи Миралиев Алишер Эргашевич банк Кенгаши томонидан тасдиқланган йиғилиш регламентини таклиф этди ва овозга қўйди.

Регламент бир овоздан тасдиқланди.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибининг **учинчи масала** юзасидан Мажлис Раиси Миралиев Алишер Эргашевич сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги қарори ижросидан келиб чиққан ҳолда, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки устав капиталини ошириш учун қўшимча 50,0 млрд. сўмлик оддий акция чиқариш ва ёпиқ обуна бўйича акцияларни тўлиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштириш лозимлигини, юқоридаги қарор ижросини тўлақонли таъминлаш учун банк уставига ўзгартириш киритиш кераклигини айтди.

Бундан ташқари, банк уставига кўра банк томонидан қўшимча равишда яна 34,0 млрд. сўмлик ёки 20 000 000 дона акциялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши мумкинлиги, шу сабабли банкнинг 50,0 млрд. сўмлик қўшимча акцияларини чиқариш учун эълон қилинган акциялар миқдорини ошириш лозимлигини тушунтириб, бунинг учун банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, шунингдек банк уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорни қабул қилиш ваколатини банк Кенгашига бериш учун тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берди.

Мажлис Раиси Миралиев Алишер Эргашевич банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар банк Кенгаши томонидан муҳокама қилинган ҳамда акциядорларга тарқатилган тарқатма маълумотларда батафсил баён этилганлигини инobatга олиб, бошқа таклифлар бўлмаса қарор лойиҳасига асосан бюллетенлар орқали овоз берилишини сўради. (Илова қилинади, 2-илова).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Мажлис Раиси Миралиев Алишер Эргашевич банк Кенгаши томонидан ушбу масала муҳокама қилиниб, акцияларни ёпиқ обуна асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилиши муносабати билан акцияларни олишда бир йил муддатга имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида таклифлар киритилганлигини айтди. Шу таклифлар юзасидан қўшимча ёки эътирозлар бўлмаса бюллетенлар орқали муносабат билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Банк Бошқаруви Раиси Мирзаев Чори Садибакович маъруза қилди. (маъруза илова қилинади 3-илова).

Мажлис Раиси акциядорлардан ушбу масалага бюллетенлар орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Миралиев Алишер Эргашевич кун тартибидаги масалалар бўйича бюллетенлар орқали овоз берилишини айтди.

Акциядорлар эътиборига **биринчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **иккинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **учинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банк уставига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **тўртинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

Банкнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини жойлаштириш доирасида бир йил муддатга имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмасин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Акциядорлар эътиборига **бешинчи масала** бўйича қуйидаги қарор лойиҳаси ҳавола этилди:

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Акциядорлар ушбу таклифга бюллетенлар орқали овоз бердилар.

Шундан сўнг танаффус эълон қилинди.

(Танаффусдан сўнг)

Саноқ комиссияси раиси О.Р.Эргашев «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича саноқ комиссиясининг 3-сонли баённомасини ўқиб эшиттирди (4-илова).

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

Йиғилишда иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 8 донa бюллетен бўйича жами овозлар сони 17 921 895 та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 8 бюллетен бўйича 17 921 895 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 8 бюллетен бўйича 17 921 895 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 8 бюллетен бўйича 17 921 895 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 8 бюллетен бўйича 17 921 895 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

«Тарафдорлар» – 8 бюллетен бўйича 17 921 895 овоз, яъни 100 %;

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» – йўқ.

Хулоса: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар бўйича банк Кенгашининг таклифлари бир овоздан (100%) тасдиқланди.

Йиғилиш Саноқ комиссияси мажлисининг мазкур баённомасини бир овоздан маълумот учун қабул қилди.

Шу билан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўз ишини тамомлади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган овозлар якуний ҳисобига кўра, акциядорлик тижорат Туронбанк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори қабул қилинди.

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
Қ А Р О Р И:**

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлансин.

3. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банк уставига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин.

4. Банкнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини жойлаштириш доирасида бир йил муддатга имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмасин.

5. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

**Навбатдан ташқари
Умумий йиғилиш раиси,
«Туронбанк» АТБ
Кенгаши аъзоси**




А.Э.Миралиев

Йиғилиш котибияти



Д.А.Рустамов



У.Ф.Атамухамедова

**Умумий йиғилиш
Саноқ комиссияси раиси**



О.Р.Эргашев

**«Туронбанк» АТБ
Бошқаруви Раиси**



Ч.С.Мирзаев

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: «28» февраль 2017 йил.